БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 123 (4839).

23 ИЮНЬ ШАНБА 1973 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЧОРВАДОРЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

РЕСПУБЛИКА чорвадорлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб ва Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар— гўшт тайёрлаш ярим йиллик халқ хўжалик планини 103,4 процент, сут тайёрлаш планини 100 процент ва тухум тайёрлаш планини 117,4 процент қилиб муддатидан илгари бажардилар.

Давлатга 80,9 минг тонна, ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9,9 минг тонна кўп чорва мол ва парранда, 207,5 минг тонна, ёки 24,5 минг тонна кўп сут, 244,5 миллион дона, ёки 22,7 миллион дона кўп тухум, 10227 тонна, ёки 1256 тонна кўп жун сотилди.

Андижон, Самарқанд, Наманган, Қашқадарё, Фарғона областларининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари давлатга гўшт сотиш; Андижон, Наманган, Қашқадарё, Бухоро областларининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари давлатга сут сотиш; барча областлар ва Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик меҳнатчилари давлатга тухум сотиш; Тошкент, Андижон, Наманган областларининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари давлатга жун сотиш юзасидан халқ хўжалик планини республикада биринчи бўлиб муддатидан олдин бажардилар.

Республика колхоз ва совхозларининг меҳнатчилари чорвачилик маҳсулотлари етиштириш суръатларини жадаллаштирмоқдалар, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш борасида катта иш қилмоқдалар.

Чорвачилик маҳсулотларини сотиш давом этмоқда.

(ЎзТАГ).

Л. И. БРЕЖНЕВнинг АҚШГА ВИЗИТИ

СОВЕТ-АМЕРИКА ҲУЖЖАТЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

ВАШИНГТОН, 21 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун Оқ уйда тантанали вазиятда Совет—Америка ҳужжатлари имзоланди.

Шу маросимда ҳозир бўлган кишилар КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневни ва АҚШ президенти Р. Никсонни давомли қарсаклар билан кутиб олишди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, Америка Қўшма Штатлари номидан АҚШ президенти Ричард М. Никсон имзоладилар.

«Стратегик ҳужум қуролларини янада чеклаш тўғрисидаги музокараларнинг асосий принциплари» деган ҳужжатни Совет Иттифоқи номидан Л. И. Брежнев, Қўшма Штатлар номидан Р. Никсон имзолади.

Ҳужжатларни имзолаш вақтида совет томонидан СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, Граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари Г. Э. Цуканов, А. М. Александров, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, ТАССнинг Бош директори Л. М. Замятин, СССР Фанлар Академияси АҚШ институтининг директори Г. А. Арбатов, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Г. М. Корниенко ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Америка томонидан АҚШ вице-президенти С. Агню, давлат секретари У. Рожерс, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Г. Киссинжер, президентнинг ички ишлар бўйича ёрдамчиси М. Лэйрд, молия министри Ж. Шульц, савдо министри Ф. Дент ва АҚШ ҳукуматининг бошқа аъзолари, конгресс раҳбарлари, сенат комиссияларининг аъзолари, конгресс аъзолари, Оқ уй ва давлат департаментининг ходимлари ҳозир бўлдилар.

Совет—Америка ҳужжатларини имзолаш маросими телевидение ва радио орқали батафсил кўрсатилди ва эшиттирилди.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ Р. НИКСОН БИЛАН МУЗОКАРАЛАРИ

ВАШИНГТОН, 21 июнь. (ТАСС). Бугун Кэмп—Дэвидда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан АҚШ президенти Р. Никсон ўртасида музокаралар давом эттирилди.

Ҳозирги халқаро аҳволга доир бир қанча муҳим проблемалар қараб чиқилди.

Музокаралар амалий ижобий вазиятда ўтди.

ВАШИНГТОН. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва АҚШ Президенти Р. Никсон 21 июнь куни ўз мамлакатлари номидан «СССР билан АҚШ ўртасида атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланиш соҳасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим» ҳамда «Стратегик ҳужум қуролларини янада чеклаш тўғрисидаги музокараларнинг асосий принциплари» ҳақидаги ҳужжатларни имзоладилар. Суратда: ҳужжатларни имзолаш пайти.

ТАСС—ЎзТАГ фотоси.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ БИЛАН АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ЎРТАСИДА АТОМ ЭНЕРГИЯСИДАН ТИНЧЛИК МАҚСАДИДА ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА БИТИМ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари,

ҳар иккала мамлакатда, шунингдек жаҳоннинг бошқа мамлакатларида энергетикага бўлган ва тез ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш проблемасига катта аҳамият бериб,

ғоят самарали энергия манбаларини ишга солиш йўли билан у проблемани ҳал этиш учун ҳар иккала мамлакатнинг куч-ғайратларини бирлаштиришга интилиб,

ядро техникасининг ҳозир тадқиқот ишлари олиб бораётган бир қанча йўналишларини чунончи бошқариладиган термо-ядро синтези ва тез ҳаракат қиладиган нейтронлардаги кўпайтиргич-реакторлар каби йўналишларни тез ривожлантириш, шунингдек материянинг асосий хоссаларини бундан буён ҳам чуқур тадқиқ этиш йўли билан бу проблемани ҳал этиш мумкин деб ҳисоблаб,

ҳар иккала томон ўртасида атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида бундан аввалги ҳамкорлик жуда яхши натижалар берганлигини мамнуният билан қайд қилиб,

бу соҳадаги ҳамкорликни ҳар иккала мамлакат халқларининг ва бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида узоқ муддатга мўлжаллланган барқарор асосда уюштиришни истаб,

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Америка Қўшма Штатлари ҳукумати ўртасида фан ва техника соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида 1972 йил 24 майда тузилган битимга, фан, техника, маориф ,маданият соҳасида ва бошқа соҳаларда алоқа ҳамда ҳамкорлик тўғрисида 1972 йил 11 апрелда тузилган битимларга ва СССР атом энергиясидан фойдаланиш Давлат Комитети билан АҚШ атом энергияси комиссияси ўртасида атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида 1972 йил 28 сентябрда қабул қилинган меморандумга мувофиқ ва уларни ривожлантириш юзасидан

қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

1-МОДДА

Томонлар янги энергия манбаларини ишга солишни асосий мақсад деб билиб, ядро энергиясини тадқиқ этиш, ишга солиш ва ўзлаштириш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтирадилар ва кучайтирадилар. Бундай ҳамкорлик ўзаро манфаатдорлик, тенглик ва ҳамжиҳатлик асосида амалга оширилади.

2-МОДДА

1. Ҳамкорлик қуйидаги уч соҳада амалга оширилади:

А). Бошқариладиган термоядро синтези.

Бу соҳадаги ҳамкорликдан кузатилган мақсад-пировард натижада термоядро реакторларининг прототиплари ва намойиш қилинадиган термоядро реакторларини яратишдан иборат. Ҳамкорлик саноатда фойдаланишга қадар бўлган ҳамма босқичларда назарий, ҳисоб-китоб, эксперименталь ва лойиҳа-конструкторлик тадқиқотларини ўз ичига олиши мумкин.

Б) Тез ҳаракат қиладиган нейтронларда кўпайтиргич-реакторлар.

Бу соҳадаги ҳамкорлик тез ҳаракат қиладиган нейтронлардаги кўпайтиргич-реакторлари бўлган атом электр станцияларини яратиш лойиҳалаш, конструкциялаш ва уларни ишга солиш билан боғлиқ бўлган ҳамда ўзаро келишиб олинган асосий ва амалий проблемаларни ҳал этишга қаратилади.

С) Материянинг асосий хоссаларини тадқиқ этиш.

Бу соҳадаги ҳамкорлик ўзаро келишиб олинган мавзулар бўйича ва жумладан, тезлаткичлардан фойдаланиш йўли билан юксак, ўрта ва паст энергиялар физикаси соҳасида, ҳар икки мамлакатда тўпланган эксперименталь маълумотларни ишлаб чиқиш ва бошқа установкалар учун машина-ускуналар яратиш соҳасида биргаликда олиб бориладиган назарий ва эксперименталь тадқиқотларни ўз ичига олади. Ҳамкорлик бу соҳадаги тадқиқотлардан фойдаланиш учун биргаликда яратиладиган установкаларни лойиҳалаш, планлаштириш ва қуриш борасида ҳам амалга оширилиши мумкин.

2. Юқорида санаб ўтилган уч соҳадан ҳар бири бўйича ҳамкорлик тафсилотлари айрим иш протоколларини тузиш йўли билан келишиб олинади.

3. Ҳамкорликнинг бошқа соҳалари ўзаро келишувга мувофиқ илова қилиниши мумкин.

4. Ушбу битимни амалга ошириш борасидаги ҳамкорлик тегишли мамлакатларнинг қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

3-МОДДА

1. Юқоридаги моддаларда кўзда тутилган ҳамкорлик қуйидаги формаларда амалга оширилиши мумкин:

А) Биргаликда тайёрланадиган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун олимлар ва инженерлардан иборат иш группаларини тузиш;

Б) Тажриба стендлари, установкалари ва ускуналарини биргаликда ишлаб чиқиш ва яратиш;

С) Ҳар иккала мамлакатнинг тегишли илмий марказларида назариётчилар ва тадқиқотчи-экспериментаторларнинг биргаликда бажарадиган ишлари;

Д) Биргаликда маслаҳат, семинар ва иш кенгашларини ўтказиш;

Е) Приборлар, ускуналар ва конструкция материалларининг тегишли нусҳаларини айирбошлаш;

Ф) Бир-бирларига олимлар ва мутахассисларни юбориб туриш;

Г) Илмий-техникавий ахборотни, ҳужжатларни ва тадқиқот натижаларини айирбошлаш.

2. Ҳамкорликнинг бошқа формалари ўзаро келишувга мувофиқ илова қилиниши мумкин.

4-МОДДА

Ушбу битим мақсадларига мувофиқ, томонлар ҳар икки мамлакатдаги ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни ва бевосита алоқаларни ривожлантиришни, шу жумладан талаб этилган тақдирда ушбу битимга асосан ҳамкорлик юзасидан биргаликда кўриладиган тадбирларни амалга ошириш учун иш протоколлари ва шартномалар тузилишини рағбатлантирадилар, бунга ёрдам берадилар ва йўл кўрсатиб турадилар.

5-МОДДА

1. Ушбу битимни бажариш учун атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик қилиш учун Совет-Америка қўшма комиссияси тузилади. Бошқа тарзда келишиб олинмаган тақдирда, бу комиссиянинг мажлислари йилига бир марта Совет Иттифоқида ва Америка Қўшма Штатларида навбат-ма-навбат ўтказилади.

2. Қўшма комиссия ушбу битимни самарали бажариш учун зарур бўлган чораларни кўради, бу ишларни бажариш билан чекланмай, ҳамкорликнинг конкрет лойиҳалари ва программаларини тасдиқлайди; ҳамкорлик бўйича биргаликда кўриладиган тадбирларни амалга ошириш учун ва зарурат бўлган тақдирда, ҳар икки ҳукумат тавсияларини тайёрлаш учун жавобгар бўлган тегишли ташкилотлар ҳамда муассасаларни белгилайди.

3. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи учун—СССР атом энергиясидан фойдаланиш Давлат Комитети ва Америка Қўшма Штатлари учун АҚШ атом энергияси комиссияси ушбу битим бўйича ижрочи ташкилотлар бўлади. Ижрочи ташкилотларнинг ҳар бири қўшма комиссиянинг фаолияти учун жавобгар бўлади ва ҳамкорликни умумий тарзда мувофиқлаштириб олиб боради ҳамда ушбу битимга мувофиқ, ҳамкорлик юзасидан биргаликда амалга ошириладиган тадбирларнинг бажарилишини кузатиб туради.

6-МОДДА

Ушбу битимда томонлар ўртасида тузилган бошқа битимларга зарар етказиши мумкин, деб талқин этиладиган ҳеч нарса йўқ.

7-МОДДА

1. Ушбу битим имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва ўн йил мобайнида амал қилади. Бу битим томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ёки муддати узайтирилиши мумкин.

2. Ушбу битимнинг амал қилиш муддатининг тамом бўлиши ҳар иккала мамлакатнинг манфаатдор муассасалари ва ташкилотлари ўртасида ушбу битимга мувофиқ тузилган иш протоколлари ва шартномаларнинг амал қилишига ҳалақит бермайди.

1973 йил 21 июнда Вашингтонда ҳар бири рус ва инглиз тилларида икки нусҳада тузилди. Шу билан бирга ҳар икки текст бир хил кучга эгадир.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан

Л. И. БРЕЖНЕВ,

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари.

Америка Қўшма Штатлари номидан Ричард М. НИКСОН,

Америка Қўшма Штатларининг президенти.

СТРАТЕГИК ҲУЖУМ ҚУРОЛЛАРИНИ ЯНАДА ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ МУЗОКАРАЛАРНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев ва Америка Қўшма Штатларининг президенти Ричард Никсон

стратегик қуролларни янада чеклаш тўғрисидаги масалани ва олиб борилаётган музокараларда эришилган муваффақиятларни батафсил қараб чиқиб,

стратегик қуролларни чеклаш соҳасидаги тадбирларни мумкин қадар тезроқ амалга ошириш ядро уруши хавфини камайтириш ва халқаро тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига қўшиладиган жуда катта ҳисса бўлишига ишонганликларини таъкидлаб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

БИРИНЧИ. Томонлар СССР билан АҚШ ўртасида 1972 йил 29 майда Москвада имзоланган ўзаро муносабатлар асосларига ва стратегик ҳужум қуролларини чеклаш соҳасидаги баъзи тадбирлар тўғрисида 1972 йил 26 майда СССР билан АҚШ ўртасида тузилган муваққат битимга асосланиб, стратегик ҳужум қуролларини чеклаш, шунингдек бу қуролларни тобора қисқартириш юзасидан тўларок тадбирлар ҳақида доимий битимни ишлаб чиқиш учун актив музокараларни давом эттирадилар.

Томонлар стратегик ҳужум қуролларини чеклаш юзасидан тўлароқ тадбирлар тўғрисидаги доимий битимни 1974 йилда имзолаш мақсадида бу битим қоидаларини ишлаб чиқиш учун йил давомида жиддий тадбирларни кўрадилар.

ИККИНЧИ. Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш хусусидаги янги битимлар 1972 йил май ойида Москвада қабул қилинган Совет-Америка ҳужжатлари ва 1973 йил июнь ойида Вашингтонда тузилган битимларнинг принципларига асосланади. Томонлар ху[...] сан бир-бирларининг тенг ха[...] сизлиги манфаатларини эътир[...] этишга бир томонлама устунли[...] эришиш йўлидаги уринишл[...] СССР билан АҚШ ўртасид[...] тинч муносабатларни мустаҳка[...] лашга бевосита ёки билвосита [...] бўлишини эътироф этишга ам[...] қиладилар.

УЧИНЧИ. Стратегик ҳуж[...] қуролларини чеклаш бу қурол[...] нинг миқдор жиҳатига ҳам, ул[...] нинг сифатини такомиллаштир[...] га ҳам тааллуқли бўлиши му[...] кин.

ТЎРТИНЧИ. Стратегик ҳуж[...] қуролларини чеклаш миллий те[...] никавий воситалар ёрдамида те[...] ширча назорат қилиб туриш[...] керак.

БЕШИНЧИ. Стратегик ҳуж[...] қуролларини модернизация қил[...] ва алмаштиришга якунловчи [...] тимларда баён қилинадиган шар[...] ларга риоя қилинган тақдир[...] руҳсат берилиши мумкин.

ОЛТИНЧИ. Стратегик ҳуж[...] қуролларини чеклаш юзасид[...] тўлароқ тадбирлар кўриш тўғ[...] сидаги доимий битим тузилгани[...] қадар томонлар 1972 йил 26 ма[...] да тузилган муваққат битим[...] илова тарзида айрим тадбирл[...] хусусидаги битимларни тузиш[...] тайёрдир.

ЕТТИНЧИ. Томонларнинг ҳ[...] бири СССР билан АҚШ ўртас[...] да 1971 йил 30 сентябрда тузи[...] ган битимга мувофиқ, ядро қур[...] лини тасодифий равишда ёки ру[...] сат берилмаган тарзда ишлати[...] нинг олдини олиш юзасидан зар[...] ташкилий ва техникавий тадб[...] ларни бундан буён ҳам амал[...] ошираберади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан
Л. И. БРЕЖНЕВ,
КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари.

Америка Қўшма Штатлари н[...]мидан
Ричард М. НИКСОН,
Америка Қўшма Штатларини[...] президенти.

Вашингтон шаҳри, 1973 йил 21 июнь.

ПЛАНЕТАМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

ВАШИНГТОН, 22 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев кеча СССРнинг АҚШдаги элчихонасида АҚШ президенти Р. Никсон шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда АҚШ вице-президенти С. Агню, давлат секретари У. Рожерс, АҚШ олий судининг раиси У. Бергер, АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Г. Киссинжер, молия министри Ж. Шульц, савдо министри Ф. Дент, ташқи ишлар бўйича сенат комиссиясининг раиси У. Фулбрайт, республикачиларнинг сенатдаги раҳбари Х. Скотт, Вашингтон шаҳрининг мэри У. Вашингтон, савдо-саноат доираларининг вакиллари Д. Рокфеллер, А. Хаммер, саноатчилар миллий уюшмасининг президенти Э. Кенна, Оқ уй ва давлат департаментининг раҳбар ходимлари ҳамда бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда совет томонидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, Граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари Г. Э. Цуканов, А. М. Александров, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, ТАСС Бош директори Л. М. Замятин, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Г. М. Корниенко, Ташқи савдо министрининг ўринбосари В. С. Алхимов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев зиёфатда нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Ҳурматли президент жаноблари!
Ҳурматли Никсон хоним!
Хонимлар ва жаноблар!
Ўртоқлар!

Мен бугун бу ерда, Вашингтондаги Совет элчихонасида президент жаноблари, сизни, сизнинг рафиқангизни, АҚШ ҳукумати аъзоларини ва америкалик бошқа ҳурматли меҳмонларни табриклаш каби ёқимли бурчни бажаришга мушарраф бўлдим.

Президент жаноблари аввало, шахсан сизга, Патриция Никсон хонимга ва оилангизнинг бошқа аъзоларига мамлакатингизга келишимиз биланоқ бизга доим самимий эътибор бериб келаётганлигингиз учун ўз номимдан ва ўз ўртоқларим номидан самимий миннатдорчилик изҳор қилишни истайман.

Айни вақтда мен бизга нисбатан дўстлик туйғуларини изҳор этаётган, бизнинг визитимизга ва музокараларга ғоят қизиқиб қараётган барча америкаликлардан миннатдор эканлигимизни айтиб ўтишни истайман. Биз буни Қўшма Штатлар халқининг совет кишиларига иззат-ҳурматини исбот этувчи далил деб, халқларимизнинг бир-бирлари билан тинч-тотув ва дўст бўлиб яшашга интилаётганликларини кўрсатувчи далил, деб биламиз.

Учрашувларимизнинг бутун бориши юксак бурч ва масъулиятни англаш руҳи билан суғорилган. Жадал суръатлар, проблемаларнинг кўпчилиги, ишчанлик билан ижобий иш олиб бориш музокараларимизга хос хусусиятдир. Буларнинг ҳаммаси кун сайин катта самаралар бермоқда, бизни биргаликда қўйилган мақсадларга — Совет-Америка муносабатларини ривожлантиришда олға қараб яна катта қадам қўйишни таъминлаш, уруш хавфини камайтириш, планетамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадларига яқинлаштиради.

Ҳар икки давлатимизнинг ана шу энг муҳим вазифаларини бажаришга қўшган ҳиссаси Совет-Америка муносабатларини шубҳасиз, янги босқичга кўтаради. Биз ўтган йил май ойида ядро асрида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни сақлаш учун тинч-тотув яшашдан кўра бошқа асос йўқ, деб келишиб олган эдик. Биз эндиликда ишонч билан айтаоламизки, ана шу асосий принцип тобора конкрет мазмун билан тўлатилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг ижроия комитети область Советининг депутатларига маълум қиладики, шу йил 26 июнда XIV чақириқ область Советининг 1-сессияси чақирилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилади:

1-Ташкилий масалалар;

2. Сайловчилар наказларининг бажарилиши бўйича тадбирлар плани ҳақида;

3. Областда мактабгача бўлган жамоат тарбиясининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари ҳақида.

Сессия Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг мажлислар залида (Ўзбекистон кўчаси, 9) соат 11 да очилади.

Тошкент область ижроия комитети.

* * *

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети депутатларга маълум қиладики, шу йил 27 июн[...] соат 11 да Ўзбекистон КП Тош[...]кент область комитетининг маж[...]лислар залида (Ўзбекистон кўча[...]си, 9) XIV чақириқ шаҳар Сов[...]етининг биринчи сессияси чақир[...]лади.

Сессия кун тартибига қуйида[...] масалалар киритилади:

1. Ташкилий масалалар;

2. Халқ истеъмол товарлар[...] ишлаб чиқаришни кенгайтири[...] ва сифатини яхшилаш бўйича ш[...] ҳар корхоналарининг аҳволи [...] улар ишини янада яхшилаш та[...]бирлари тўғрисида;

3. Сайловчилар наказларин[...] амалга оширишда Тошкент ш[...] ҳар Советининг ижроия комитетини[...] тадбирлар плани ҳақида.

Депутатлар ўша ерда шу йи[...] 27 июнь соат 10 дан бошлаб рўй[...]хатга олинади.

Тошкент шаҳар ижроия коми[...]тети.

ПЛАНЕТАМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

(Боши биринчи бетда)

Музокараларимизнинг якунлари вет Иттифоқи билан Америка шма Штатлари ўртасида тинч ўзаро ишонч муносабатларини ада кўпроқ мустаҳкамлашига имиз. Шу билан бирга ана шу носабатларни ижобий тарзда ри клантириш учун тобора кенг им иятлар очилади.

Икки томоннинг ҳаракати билан СР ва АҚШ стратегик қуролла ни чеклаш каби ҳаётий муҳим айни вақтда ҳал этиш учун раккаб бўлган масалада олға раб янги қадам қўя олганлиги здан мамнун бўлмай қолаолмай з. Бу проблема юзасидан бундан нги музокараларнинг асосий инципларн тўғрисида келишиб ганлигимиз энг хатарли ва энг мматга тушадиган ракета-ядро роли билан қуролланиш пойга ни жиловлаб қўйиш билан бир о, бу пойгани орқага суриб юбо ишни ҳам лозим бўлган муҳим тимлар устида биргаликда олиб риладиган ишларни янада рағ тлантириш ва бу ишларни аниқ лгиланган йўлдан олиб бориш ун керакли ҳамма тадбирларни зда тутади, бу билан мамлакат римизнинг кўпроқ маблағни нёдкорлик мақсадларига, кишиларнинг ҳаётини яхшилашга сарф лишлари учун имконият туғдиди.

Атом энергияси ҳам тинчлик қсадларига тобора кўпроқ хизт қилмоғи керак. Давлатлари зининг биргаликда куч-ғайрат рфлаб бунга ёрдам беришга тай эканлиги атом энергиясидан нчлик мақсадларида фойдалаш соҳасида ҳамкорлик қилиш ғрисидаги битимда ўз ифодасини топди. Биз президент Р. Никсон билан бирга бугун ана шу битимни ҳам имзоладик.

Биз ўтган йили Москвада ўтказилган учрашувда биргаликда ишлаб берилган йўлни давом эттириш жараёнида, ҳозирги визитимиз давомида СССР билан АҚШ ўртасида фан, техника, шунингдек маданиятнинг бошқа соҳаларида ҳам бир қанча янги битимлар имзоланганлигига ҳам юксак баҳо берамиз. Бу эса Совет-Америка муносабатларини кўпроқ хилма-хил ва барқарор муносабатларга айлантиради. Айни вақтда бундай ҳамкорликнинг ривожлантирилиши бошқа халқларнинг манфаатларига ҳам яхши хизмат қилишига аминмиз, чунки бу ҳамкорлик бутун инсоният учун муҳим бўлган проблемаларни ҳал этишга қаратилган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда ҳал этилмаган проблемалар ва, айтишим мумкинки, тўла-тўкис тугалланмаган ишлар ҳали кўп, албатта. Бу гап, жумладан, стратегик қуролларни чеклаш соҳасига тааллуқлидир, бу гап савдо-иқтисодий масалаларга ҳам тааллуқлидир.

Биз умидвор кишилармиз ва воқеаларнинг бориши ҳамда конкрет манфаатларни англаш бизнинг муносабатларимиз келгусида кишиларнинг ҳозирги авлоди ва келажакдаги авлодлари бахт-саодати йўлида ўзаро фойдали тарзда ҳар томонлама ривожланиб боради, деган хулосага олиб келади, деб ҳисоблаймиз.

Биз мустаҳкамланиб бораётган ўзаро ишончга таяниб, оғишмай олға бора олишимизга аминмиз. Биз муносабатларимизнинг бундан буёнги тараққиёти энг кўп даражада барқарор бўлиши ва бунинг устига ўзгармайдиган характерда бўлиши тарафдоримиз.

Президент жаноблари, сиз билан қилган суҳбатларимиз амалий ва ижобий руҳда эканлигини қадрлаймиз. Ана шу суҳбатлар давомида Совет Иттифоқининг АҚШ билан муносабатларни яхшилашга қаратилган йўли вақтинчалик бир ҳосида эмаслигини сизга айтган эдим ва бу ерда ҳозир бўлган америкалик барча меҳмонларга ҳам шуни такрорлаб ўтишни истайман. Совет давлати ташқи сиёсатининг доимий принципларини акс эттирадиган ана шу қатъий ва изчил йўлни Совет давлатининг улуғ асосчиси В. И. Ленин таърифлаб берган эди. Бу йўл халқимизнинг қўллаб-қувватлашига таянган йўлдир.

Совет кишилари, америкаликларнинг кўпчилиги ҳам Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари халқлари ўртасида тинчлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида биргаликда бошлаб юборилган ишни маъқуллашига ишонадилар.

Афсуски, музокараларимизнинг тигиз программаси улуғ мамлакатингиз тўғрисида кўп нарсани билиб олишим ва америкаликларнинг ҳаёти билан яқиндан танишиб чиқишим учун кам имконият берди. Аммо мен кўришга муваффақ бўлган оз нарсалар ҳам мен учун жуда мароқли бўлди. Президент жаноблари, сизнинг таклифингизга биноан АҚШнинг ғарбий соҳилига, ўз табиатининг гўзаллиги билан кўпданоқ машҳур бўлган, кейинги вақтларда эса саноати мавж уриб юксалаётганлиги билан ном чиқарган Калифорнияга борган чоғимизда ана шу камчиликни бирор даражада бартараф эта оламан, деб умид қиламан.

Президент жаноблари, шу фурсатдан фойдаланиб, 1974 йилда расмий визит билан Совет Иттифоқига ташриф этиш тўғрисида СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан қилган таклифимни яна бир марта таъкидлашни истар эдим. Сизнинг Совет Иттифоқига қиладиган бу визитингиз ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни муваффақиятли суратда ривожлантиришда янги муҳим босқич бўлишига аминман.

Биз ҳозирги кунда Америка Қўшма Штатлари президенти, ҳукумати ва халқи бизга кўрсатаётган меҳмондўстликка муносиб жавоб беришимиз билан ҳам мамнун бўламиз. Президент жаноблари, сиз ана шу сафарингиз вақтида мамлакатимиз билан, унинг табиати билан, совет халқининг ҳаёти билан яқиндан танишиб чиқасиз, деб умид билдиришга ижозат бергайсиз.

Совет-Америка муносабатларини ривожлантириш иши олға қараб бормоқда.

Совет ва Америка космонавтлари инсоният тарихида биринчи марта биргаликда йирик илмий экспериментни амалга ошириш учун икки йилдан кейин, космосга парвоз қиладилар. Бизнинг планетамиз космосдан гарчи кичик бўлса ҳам янада гўзал бўлиб кўринишини улар яхши биладилар. Бизнинг планетамиз тинч-тотув яшай олишимиз учун ҳаммамизга етадиган даражада улкандир. Аммо ядро уруши хавфи тақдирга бардош бериш учун жуда торлик қилади.

Музокараларимизнинг руҳи, биргаликда кўраётган тадбирларимизнинг асосий йўналиши битта энг муҳим омилни англаш билан белгиланди, деб айтсам хато қилмаган бўламан: Ер юзидаги халқлар урушдан холи яшашлари учун, хавф-хатарсиз, бир-бирлари билан алоқа боғлаб, ҳамкор бўлиб яшашлари учун ҳамма чораларни кўриш керак. Замонамизнинг қатъий амри ана шундай. Биз биргаликда сарф қиладиган куч-ғайратимизни ана шу мақсадга бағишламоғимиз керак.

Америка Қўшма Штатлари президенти Ричард Никсон ва Патриция Никсон хоним соғлиги учун қадаҳ кўтаришга ижозат бергайсиз! Ҳозирги учрашувларимиз давомида олға силжитишга муваффақ бўлинган катта ишимизни бундан буёнги муваффақияти учун!

Кишиларнинг халқлар бахт-саодатини кўзлаган куч-ғайрати ва талантларининг космосда ҳам, ер юзида ҳам қўшилиб кетиши учун!

Совет ва Америка халқлари ўртасидаги тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик учун!

Бутун дунёда тинчлик учун!

* * *

Зиёфатда АҚШ президенти Р. Никсон жавоб нутқи сўзлади.

Р. НИКСОН НУТҚИ

Президент Р. Никсон Л. И. Брежневга, зиёфатда ҳозир бўлган барча кишиларга мурожаат қилиб, шодиёна кутиб олганликлари ва меҳмондўстликлари учун КПСС Марказий Комитети Бош секретаридан ва совет элчихонасидан миннатдор эканлигини айтди.

Биз, деди Р. Никсон, бир йилдан сал кўпроқ вақт илгари стратегик ядро қуролларини чеклаш тўғрисидаги биринчи битимни Москвада имзолаган эдик. Биз бугун шу соҳага тааллуқли иккинчи битимни имзолаганлигимиз Совет-Америка муносабатлари нечоғлик олға қадам қўйганлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, сиз ўз нутқингизда таъкидлаб ўтганингиздек, биз бугун атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимни ҳам имзоладик.

Сиз ана шу икки битим тўғрисида жуда ишонтирарли қилиб гапирдингиз. Мен бунга жуда кам нарсани илова қилишим керак. Мен фақат шуни илова қилиб айтаманки, ядро қудратининг ана шу жуда катта манбаи жаҳонни ё ҳалокатга олиб келиши мумкин, ёки янги дунёни, энергиядан тинчлик мақсадларида фойдаланиш бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида хизмат қиладиган янги дунёни вужудга келтириш учун асос бўлиб қолиши мумкин эканлигини биламиз.

Бугун биз вайронгарчилик кучларини чеклаш сари ва куч-ғайратимизни бунёдкорлик ишларига сарфлаш сари жуда муҳим қадам қўйдик.

Биз амалий иш билан шуғулланувчи кишилармиз. Биз олға қараб икки қадам қўйиш билан яна узоқ йўлни босиб ўтишимиз керак. Биз ўз куч-ғайратимизни ана шу жуда катта вайронгарчилик келтирувчи қуролни чеклаш соҳасидагина эмас, балки пировард-оқибатда бутун дунёнинг ва иккала мамлакатимиздаги халқларнинг зиммасида оғир юк бўлиб турган қуролланиш машаққатларини енгиллаштириш соҳасига ҳам сарфлашимиз лозим эканлигини яхши биламиз. Биз бунга аминмиз.

Бунга эришиш осон эмас. Узоқ давом этадиган музокаралар натижасидагина бунга эришилади. Аммо биз алоқаларни давом эттириб, бундан бир йил муқаддам Москвада ўтказилган ва ҳозир бу ерда ўтказилган мунозаралар каби мунозараларни давом эттириб, бу йўлда биргаликда олға қараб бора оламиз ва бу билан жаҳондаги бошқа мамлакатларга ўрнак кўрсата оламиз. Бинобарин мен сизнинг келгуси йилда учинчи марта учрашув учун Москвага келиш тўғрисида лутфан қилган таклифингизни зўр мамнуният билан қабул қиламан.

Мен ана шу учинчи учрашув пайтида мамлакатингиз билан яхшироқ танишиш ва халқингиз билан кўпроқ учрашишга ҳаракат қиламан, албатта. Шу билан бирга мен ҳозир давом этаётган суҳбатлар каби суҳбатларни давом эттиришга ва бу суҳбатлар ҳам биз ҳозир ўз куч-ғайратимизни бағишлаган мақсадларга эришишда конкрет натижаларга олиб келишига интиламан. Икки мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларни яхшилашга, улар ўртасида тинчлик ўрнатишгагина эмас, балки катта ва кичик барча мамлакатларнинг ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда, бутун дунёда тинчликни таъминлашга ҳам олиб келадиган натижаларга эришишга интиламан.

Биз ўз куч-ғайратимизни ана шу мақсадга бағишладик. Ҳар иккала буюк мамлакатимиз бу йўлда намуна кўрсатиб, икки ўртада эҳтимол ҳар йили ўтказиладиган турли учрашувлар вақтида конкрет натижаларга эриша олар экан, бу умумий мақсад сари олиб борадиган йўлда катта қадам қўйилишини билдиради.

Мен олий даражадаги бир ёки икки учрашув тинчликни дарҳол таъминлай олади, кескинликни юмшатишга ва қурол-яроғларни қисқартириш ёки чеклаб қўйишга дарҳол олиб келиши мумкин, деган таассурот яратмоқчи эмасман. Аммо мен бир нарсани яхши биламан: олий даражадаги ана шу икки учрашув бизни яқинлаштирди, келишмовчиликларимизни кўпроқ англаб олишга имкон берди. Ана шу келишмовчиликларни камайтиришга бўлган қатъиятимизни ва бу келишмовчиликларни албатта конфронтациясиз бартараф қилишга бўлган қатъиятимизни кучайтирди. Бу эса ҳар иккала мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларда ҳақиқатан ҳам тарихий ўзгариш рўй берганлигини кўрсатади.

Президент Р. Никсон нутқининг охирида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг, СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добрининнинг соғлиги учун, шу ерда ҳозир бўлган ҳамма кишиларнинг соғлиги учун қадаҳ кўтарди.

* * *

Л. И. Брежнев ва Р. Никсоннинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

АНДИЖОН ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Андижон областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мамлакат деҳқонларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, бошоқли дон экинларини йиғиштириб олишни тамомладилар. Дастлабки маълумотларга кўра, суғориладиган майдонларда бедага қўшиб экилган арпанинг ҳар гектаридан 30,5 центнердан дон йиғиштириб олинган. Нуқул арпанинг ўзи экилган майдонларда ҳосилдорлик янада юқорироқ бўлди. Бошоқли дон экинларининг ялпи йиғиштириб олинган ҳосили бултургига нисбатан бир ярим баравар кўп бўлди. Давлатга планда белгиланганидан бир ярим баравар ортиқ дон топширилди.

Арпаси ўриб олингандан кейин, бўшаб қолган ерларга силос бостириш учун маккажўхори экилмоқда. Маккажўхори ва шоли парвариши давом эттирилмоқда, ҳосилни йиғиштириб олиш учун техника шай қилиб қўйилмоқда.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президуми Маркс, Энгельс, Ленин асарларини ўзбек тилида чиқариш ишида актив қатнашганликлари учун ходимлардан бир группасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ҒОЛИБЛАРГА ВЦСПС ДИПЛОМЛАРИ

Касаба союзлари Бутуниттифоқ Марказий Советининг президиуми 1972 йилда ишлаб чиқариш корхоналарида умумий овқатланишни яхши ташкил этиш бўйича ишлаб чиқариш маданияти Бутуниттифоқ жамоат кўриги ва корхоналар, ташкилотлар, маданий оқартув муассасалари ҳамда мактабгача ёшдаги болалар муассасалари коллективларининг болалар ва яшаш жойларидаги ўсмирлар билан тарбиявий ишларини янада яхшилаш бўйича Бутуниттифоқ кўригини якунлади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области бўйича қуйидаги ташкилотлар ВЦСПСнинг дипломлари ҳамда пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Ишлаб чиқариш маданияти Бутуниттифоқ жамоат кўригининг якуни бўйича:

Ўзбекистон химия машинасозлиги заводи.

Янгиобод автобус-таксомотор парки.

Главташкентстрой «Строймеханизация» трестининг механизациялаш бошқармаси.

Ишлаб чиқариш корхоналарида умумий овқатланишни яхши ташкил этганликлари учун:

Ю. А. Гагарин номидаги Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи (4.000 сўм пул мукофоти).

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати (6.000 сўм пул мукофоти).

Турар жойлардаги болалар ҳамда ўсмирлар билан тарбиявий ишларни янада яхши йўлга қўйишдаги Бутуниттифоқ кўрик конкурси якуни бўйича:

Тошкент шаҳар ижроия комитети турар жой бошқармаси касаба союзининг группкомига қарашли «Коммунальник» клуби (500 сўм пул мукофоти).

Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқимачилар маданият саройи.

Чирчиқ электрохимия комбинатининг маданият саройи.

Тошкент кабель заводининг маданият уйи.

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС XXIV съезди тарихий қарорларининг, КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1972 йил) ва апрель (1973 йил) Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллиги тўғрисида»ги докладида илгари сурилган вазифаларни изчиллик билан амалга ошираётган комсомол-ёшлар «Кам сарф билан кўп ва яхши сифатли маҳсулот берайлик» шиори остида социалистик мусобақада актив иштирок этмоқдалар.

ВЛКСМ Марказий Комитети бюроси республика, ўлка, ва область комсомол ташкилотлари томонидан КПСС XXIV съезди қарорларини бажарилишининг бориши, совет ёшларининг Бутуниттифоқ фестивалидаги иштироки, студент ва ёшларнинг Берлинда ўтадиган X Жаҳон фестивалига тайёргарлиги масалаларини кўриб чиқиб, «КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш учун Кўчма Қизил байроқларни Москва шаҳри, Украина, Ўзбекистон, Молдавия, Латвия, Қирғизистон республикалари, Олтой ўлкаси, Архангельск, Бошқирдистон, Брест, Воронеж, Днепропетровск, Камчатка, Қрим, Курган, Ленинград, Москва, Тошкент, Тула, Чимкент область комсомол ташкилотларига беришга қарор қилди.

КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети ва область ижроия комитети емхашак тайёрлаш бўйича районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг шу йил 18 июлгача бўлган якунини кўриб чиқиб қарор қилдилар:

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районида** (район партия комитетининг секретари **Қамбаров**, район ижроия комитетининг раиси **Тошхўжаев**, қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Асадов**, район «Узсельхозтехника» бирлашмасининг бошқарувчиси **Коленко**, район комсомол комитетининг секретари **Ҳамидов** ўртоқлар) қолдирилди. Бу район мавсум бошидан бери дағал хашак тайёрлаш йиллик планини 101,4 процент, шу жумладан сенаж бостиришни 151,3 процент, витамин уни тайёрлашни 11,2 процент адо этган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Оҳангарон районидаги **«Ғаллақудуқ» совхозига** (директори **Гриценко**, партия ташкилотининг секретари **Ғафуров**, ишчилар комитетининг раиси **Лупарев**, бош агроном **Комилжонов**, бош инженер **Коноваленко**, комсомол ташкилотининг секретари **Мататова** ўртоқлар) берилди. Бу хўжалик мавсум бошидан бери дағал хашак тайёрлаш йиллик планини 198,2 процент бажарган, шу жумладан 1100 тонна сенаж бостирилган.

Байроқ Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Юқори Чирчиқ районидаги **«Ленинский путь»** колхозига (раиси **Т. В. Эм**, партия ташкилотининг секретари **Файзуллаев**, бош агрономи **Г. Б. Эм**, бош инженери **Д. С. Сим**, комсомол ташкилотининг секретари **Балқибеков** ўртоқлар) берилди. Бу колхозда мавсум бошидан бери йиллик дағал хашак тайёрлаш планини 109,0 процент, шу жумладан сенаж бостириш планини 40,0 процент бажарган.

Байроқ Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозидан олиб берилди.

Чет элларда

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ТАРИХИЙ МИССИЯ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг АҚШга визити ва унинг президент Р. Никсон билан олиб бораётган музокаралари тўғрисида чет элларда баён қилинаётган фикрларнинг ғоят кўпчилиги барча қитъалардаги мамлакатларнинг халқлари ва ҳукуматлари Совет—Америка муносабатлари яхшиланаётганлигини табриклаётганликларини яққол исбот этади. Чет эл сиёсий ва жамоат арбоблари, матбуот Л. И. Брежневнинг Р. Никсон билан дастлабки суҳбатлари, Вашингтонда СССР ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида имзоланган битимлар Совет ва Америка халқларининг ва бутун инсониятнинг туб манфаатларига жавоб берадиган воқеа, деб баҳоланмоқда.

Америка матбуоти Л. И. Брежневнинг АҚШда бўлишини, унинг президент Р. Никсон билан музокараларини, АҚШ конгрессининг аъзолари билан учрашувини кенг ёритмоқда. Вашингтонда имзоланган битимлар, деб таъкидлайди «Вашингтон пост» газетаси, СССР билан АҚШ ўртасида «кенгайиб бораётган алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади», деб таъкидлайди. «Вашингтон ивнинг стар энд дейли ньюс», газетасининг фикрича, бу битимлар «Совет—Америка ҳамкорлиги кучайиб бораётганлигини» исбот қилади.

«Нойес дойчланд» газетаси (ГДР) «Актив тинчлик сиёсати» сарлавҳали мақоласида қуйидагиларни уқтириб ўтади: Л. И. Брежневнинг АҚШга визити Совет Иттифоқи ҳозирги пайтда жаҳон сиёсатининг барча асосий проблемалари юзасидан ҳал қилувчи амалий ташаббус кўрсатаётганлигини тасдиқлайди.

Болгария матбуоти олий даражадаги Совет—Америка музокараларига «ишчанлик вазиятидаги яхши ташаббус» деб якдиллик билан баҳо бермоқда. Л. И. Брежневнинг Р. Никсон билан музокаралари, деб ёзади «Работническо дело» газетаси, самарали натижалар бермоқда. Бунинг боиси шуки, ҳар икки томон ўз муносабатларини нормаллаштириш жараёнини тезлаштиришга, ўзаро фойдали ҳамкорликни кенгайтиришга интилмоқда.

Францияда чиқадиган «Юманите» газетаси таъкидлаб ўтганидек, Л. И. Брежнев Вашингтонда Совет ва Америка халқларинингина эмас, бутун дунё халқларининг ҳам манфаатларини назарда тутиб, музокаралар олиб бормоқда ва Совет—Америка муносабатларини барқарор муносабатларга айлантириш учун ҳаракат қилмоқда.

Италиянинг «Унита» газетаси ёзади: «Совет—Америка муносабатларининг яхшиланиши натижасида «бутун дунёда тинчлик мустаҳкамланади ва шу билан бирга ҳар иккала мамлакатнинг фан-техника соҳасидаги муваффақиятлари умумий тараққиётга хизмат қилади».

Бу газета Совет Иттифоқидан келган ҳурматли меҳмоннинг Америка конгресси аъзолари билан учрашувига катта эътибор беради. Газетанинг ҳабар беришича, «Брежневнинг гапларини эшитишга муяссар бўлган сенаторлар кейинчалик унинг тайёргарлиги, ёқимли сиймоси, Совет-Америка муносабатларини яхшилашга интилаётганлиги ўзларида чуқур таассурот қолдирганлигини айтганлар».

Чехословакияда чиқадиган «Руде право» газетаси Л. И. Брежнев АҚШ сафарининг дастлабки кунларини «яхши, самарали кунлар» деб атайди. «СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши, — деб ёзади газета, — ҳозирги жаҳонда барча халқаро муносабатларга жуда катта таъсир ўтказади. Р. Никсоннинг ўтган йили Москвага қилган визитидан кейин ўтган жуда қисқа вақт ичида жаҳондаги икки буюк давлат ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши бутун халқаро вазиятга ижобий таъсир қилганлигининг ҳаммамиз шоҳиди бўлдик».

Японияда чиқадиган «Санкэй симбун» газетаси қуйидагиларни ёзади: Вашингтонда олиб борилган музокараларнинг дастлабки якунлари «ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини янги мазмун билан тўлдиради ва бу муносабатларни янада кенгайтиради. Японияниг «Токио симбун» газетаси «Совет Иттифоқи билан Американинг турли соҳаларда биргаликда ўтказаётган тадқиқотлари натижалари шубҳасиз бошқа мамлакатларнинг ҳам мулки бўлиб қолади», деб ҳисоблайди.

Деҳлида чиқадиган «Таймс оф индиа» газетаси «СССР билан АҚШ ўртасидаги идеологик келишмовчиликлар бўлишига қарамай, улар ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши жаҳонда кескинликни юмшатишга самарали таъсир қилади», деб ишонч билдиради.

Венесуэлада чиқадиган «Универсаль» газетаси ёзади: «Латин Америкаси мамлакатлари ва бутун жаҳон халқлари Совет-Америка музокараларининг боришини зўр эътибор билан кузатиб турибдилар. Бу музокаралар тинчлик иши учун жуда катта аҳамиятга эгадир». Венесуэланинг «Насиональ» газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: «КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари турли давлат тузумига мансуб бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсатини оғишмай ва изчиллик билан амалга ошириб келмоқда». Колумбиянинг «Република» газетаси уқтириб ўтганидек; «КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари бутун жаҳонда катта обрў қозонди ва Л. И. Брежневнинг сабр-тоқатли дипломатга хос, коммунизм иши учун толмас курашчига хос буюк фазилатларини ҳамма эътироф этмоқда».

Танзания миллат мажлисининг раиси Адам Сапи Мквава ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: «Олий даражадаги Совет-Америка музокаралари халқаро кескинликни юмшатишга ва янги жаҳон уруши хавфининг олдини олишга шубҳасиз, хизмат қилади».

(ТАСС, 20 июнь).

МУҲИМ ОМИЛ

СОФИЯ, 21 июнь. (ТАСС). Социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантириш ва кучайтириш — ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар экономикасини ривожлантиришнинг, социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлашнинг ва жаҳон миқёсида социализм позицияларини кучайтиришнинг муҳим омилидир. Ўзаро иқтисодий ёрдам Кенгашининг XXVII сессияси Ўзаро иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар бирлиги ва жипслигининг, Ўзаро иқтисодий ёрдам Кенгаши халқаро мавқеи ўсаётганлигининг янги намойиши бўлди. Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюроси билан Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг бу ерда бўлиб ўтган мажлиси тўғрисидаги ахборотда ана шулар ҳақида гапирилди.

Бу мажлисда Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси С. Тодоров бошчилигидаги Болгария делегациясининг Ўзаро иқтисодий ёрдам Кенгашининг Прагада бўлиб ўтган XXVII сессиясидаги фаолияти маъқулланди. Сессияда қабул қилинган қарорлар, дейилади ахборотда, социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини янада муваффақиятлироқ бажариш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

МОТОЦИКЛЧИНИНГ ИККИНЧИ ЮРАГИ

НЬЮ-ЙОРК. Калифорниялик Фрэнк Лоусолга бундан 26 ой муқаддам ўзганинг юраги кўчириб ўрнатилди. Одатда бунақанги кишилар ўзини кўп уринтирмай, ҳаёт кечиради. Аммо Фрэнкнинг операциядан кейинги ҳаётга қараши бошқача. У шифохонадан чиққач, умрини... спортга бағишлашга қарор қилди.

Яқинда у Чикагога келди. Бир неча юз километрлик масофани самолёт ёки поездда тушиб эмас, балки мотоциклга миниб беш кунда босиб келди. Калифорниялик 38 яшар саёҳатчи сафарини яна давом эттирмоқчи. Лоусол Индианаполис шаҳригача йўлини давом эттириб, бу ерда ўтказиладиган мотоцикл пойгасида қатнашмоқчи.

Шифохонадан «ўзга» юраги билан чиқариб юборилганимдан кейин биринчи медицина кўригига мотоциклда келганимда, — дейди фахрланиб Фрэнк, — докторларнинг хушдан кетишларига оз қолди. Ўшанда уларга бундай дедим: сиз менга иккинчи умр бердингиз, лекин шу умрни менинг учун сиз кечиролмайсиз».

Лоусолнинг юраги болалигидан қаттиқ шикастда эди. Унга ўзга юрак кўчириб ўтказилгунча юраги уч бор операция қилинган эди.

Фрэнк мотоцикл спортидан ташқари ҳафтада уч кун сузиш билан шуғулланади. Лоусол сувга сакраш санъатини орзу қилади. (ТАСС).

● ЧЕХОСЛОВАКИЯ. «Словнафт» корхонаси социалистик қурилиш мобайнида бунёд этилган энг йирик химия комбинатларидан бири ҳисобланади. Мазкур корхона йилига СССРдан «Дўстлик» қувури орқали олинадиган 7 миллион тоннадан ортиқ нефтни қайта ишлайди. Суратда: комбинат мосламаларини кўриб турибсиз.

* * *

● ВЕНГРИЯ. Халқ Венгриясида мамлакатда энг йирик Юрий Гагарин номидаги иссиқлик электростанцияси ишга туширилди. Вишонта қишлоғи яқинида қад кўтарган бу станциянинг йиллик қуввати 5 миллиард киловатт-соат электр энергиясини ташкил этади.

Корхона қурилишида венгер дўстларга Совет Иттифоқи ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар яқиндан ёрдам беришди.

ЦАФ—МТИ—ТАСС фотоси.

БИР ЙИЛДА 41.000.000 ДОНА ТУХУМ, 650 ТОННА ПАРРАНДА ГЎШТИ УЧУН

АДИРЛАР ҚАНОТИ

КАТТА йўлдан кўприк ёқалаб ўнгга бурилamиз. Фабрика шаҳарчаси кўзга ташланади. Машина юқориликдан ўша томон қўйилиб бормоқда. Колхоз пахтазорлари, боғлар ўта сойга яқинлашамиз. Қуйида канал суви пиқиллаб оқади. Шу ердан юқорироқда муҳташам арк қанот кериб турибди. Ундаги ёзувларни ўқиймиз. «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикаси.

● Суратларда: юқоридан пастга цех бошлиғи С. Кокоулина, товуқбоқар В. Радюкина, инкубатор ишчиларидан Л. Кочнева, А. Андреанова ўртоқлар.

Кечагина бу жойлар баҳорикор деҳқончилик қилинадиган сой-адирлар эди. Бугун шаҳар тусига кириб қолибди. Кўп қаватли катта мактаб, тўппа-тўғри кўчаларнинг икки томонига қурилган икки қаватли коттеджлар, замонавий қулайликларга эга бўлган турли магазинлар, яна қанча-қанча жамоат бинолари. Мана шуларнинг ҳаммаси кечаги адирларга янги либос кийгазиб ўзгартириб юборган.

Анвойи гуллар безаб турган, соя-салқин хиёбонларида болалар ўйнаб юрган поселкани айланиб, фабрика идорасига келамиз. Фабрика директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Шокиржон Аҳмаджонов билан унинг кабинетида учрашдик. Иккинчи қаватга жойлашган бу хона деразасидан атроф яққол кўринади.

— Ўз номи билан паррандачилик фабрикаси деб аталади-ю, бироита товуқ кўринмайди бу атрофда,— кулиб сўраймиз.

— Агар биз мавжуд товуқларни очиқ жойда ёйиб боқадиган бўлсак, ҳозир эгаллаб турган еримиздан ўн марта кенг майдон керак бўларди. Иш саноат усулида ташкил этилган паррандачилик фабрикаларида товуқ кўринмайди-ю, аммо тухум оқими равон келаверади.

Директор билан гаплашиб ўтириб бир нарсани мулоҳаза қиламиз. Агар кунига 150—200 минглаб, йилига 41 миллиондан ошириб тухум олинаётган фабрикада товуқлар поселка ўзра парвоз қиладиган бўлса, бу ернинг шуҳратини кўк гумбазигача олиб чиқарди. Шундай деймиз-у, ҳозир ҳам коллектив шуҳрати муваффақиятли парвоз этиб уларнинг меҳнат натижаларини мамнун қилмоқда. Шунинг учун бу ерда гайрат, шижоат кўрсатиб ишлаётган кишиларнинг ўз касбларига бўлган садоқати, маҳоратн, кўлга киритаётган улкан ютуқлари уларни социалистик мусобақа давомида баландларга олиб чиқмоқда.

Ўтмишдаги аднрлар ўрнида халқ фаровонлиги кўзда тутилиб ташкил этилган бу фабрика ҳақиқатан ҳам тухум ва парҳез гўшт фабрикаси бўлиб қолдики, бугунги кунда у ерда етиштирилаётган маҳсулотни олмайдиган хонадон, умумий овқатланиш корхонаси йўқ деса муболаға эмас.

БАЙРОҚДАГИ НОМЛАР

ИДОРА олди шинам гулзор. Кечқурунлари бу ерда кишилар ҳордиқ чиқарадилар. Ишлари, ҳаётлари тўғрисида суҳбатлашади, фикрлашадилар. Идора олди ҳақиқатан ҳам келиб-кетувчиларда катта таассурот қолдиради. Йиллик, беш йиллик вазифалари рақамларда баён этилиб, бу ердаги махсус полотноларга ёзиб қўйилган. Ҳар бир киши қоғоздаги ана шу жонсиз рақамларни ҳаракатга келтириш учун ўз участкасида қандай меҳнат қилиш кераклиги, шунга яраша қандай иш олиб бораётганлигини ҳар гал бу ерга келганда ўзи муҳокама қилади, иш режасини аниқлаб олади.

Идора эшиги рўпарасида қизил байроқ ўрнатилган столба бор. Ҳар ойнинг охирида бу ерда меҳнат тантанаси бўлади. Социалистик мусобақа шартларини муваффақиятли бажаришда юқори кўрсаткичга эришган кишилар номи ҳурмат тахтасига ёзилади. Шу билан бирга голибларга пул ва бошқа қимматбаҳо буюмлардан иборат мукофотлар берилади, коллектив иштирокида номи байроққа ёзилган кишилар олқишланади, байроқ гантанали суратда юқорига кўтарилади.

Социалистик мусобақани бу зайлда ташкил этилиши ва илғорларнинг муносиб тақдирланаётганлиги сабабли ҳар бир киши бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўра унумлироқ ишлашга ҳаракат қилмоқда, берилган топшириқларни 1,5—2 ҳисса ошириб адо этиш учун курашаётир.

Навбатдаги байроқ кўтариладиган кун биз шу ерда эдик. Қизил алвонга ёзилган номларни ўқиймиз. Вера Радюкина, Мария Палинюк, Зулайҳо Аббосова, Таслима Жонбекова, Вера Давидова.

Уларнинг ҳаммаси ойлик нормаларини ошириб бажарганлар. Юқорида номлари ёзилган икки киши 13 мингдан товуқ боқиб уларнинг ҳар биридан 225 тадан тухум олишмоқда. Вера Давидова эса 60 минг жўжани парвариш қилади. У ўз ишини моҳирлик билан бажараётгани учун жўжаларнинг 97 процентини соғлом ўстирмоқда.

Товуқбоқарларнинг ишини яхши йўлга қўйишда, товуқхоналардаги аппаратларнинг ҳаммавақт бир меёрда ишлашида слесарлардан Григорий Скрипник, Павел Сорокодумовларнинг роли катта. Меҳнатларини шарафлаб, номлари ҳурмат тахтасига ёзилган ва улар шаънига Қизил байроқ кўтарилганлар орасида трактарчи Владимир Федоров, Шофер Гадойбой Қозоқбоевлар ҳам борки, фабрика ишини муваффақиятли адо этилишида улар ҳам ўз участкаларида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Кечқурунлари идора ёнига ҳордиқ чиқарганн келган поселка кишилари кўкда ҳилпираб турган байроққа гурурланиб қарайдилар. Бу ердаги номлар булар ўртасида ўз меҳнати билан ҳурмат-иззатга сазовор бўлган кишилар бўлгани учун ҳам фахрланадилар.

Байроқ меҳнатни шарафлаб, меҳнат кишисига тасаннолар айтаётгандек ҳилпираб туради.

ТУХУМЛАР ОҚИМИ

ДИРЕКТОР бизни фабрика фермаларига бошлайди. Эшикдан кираётганимизда ўрта ёшли аёл бизни тўхтатиб, ҳар биримизга оппоқ халат кийгизди ва махсус кўк чироқ тагида бир неча дақиқа туришимизни илтимос қилди. Бу ерга ким келса худди шундай иш қайтарилади. Сабаби, товуқлар фермасига киришдан олдин шу хил нур тагида туриб дизенфекциядан ўтиш қатъий қилиб қўйилган.

Фабрика майдонига чиққанимизда директор бизга кўришни қаердан бошлаймиз, дегандек қаради. Биз унга очириш учун тухум қўйишдан бошлаб энг охирги яъни товуқ бўлиб тухумга кирадиган барча процессни кўрсатишни илтимос қилдик. Шундан кейин у ўнг томондаги бинога бурилди. Ичкарига кирганимизда хонада саратон димлиги ўхкмрон эди. Бу ерда аёллар инкубатор ойналаридан ичкарига назар ташлаб тухумларнинг жойланиши, энди очиб чиқаётган жўжаларнинг ҳолатини кузатиб турардилар. Энди жўжа очиб чиқаётган инкубаторни биз ҳам бир

● ФАБРИКА ишлари директор кабинетида вақти-вақти билан муҳокама қилиб турилади. Бунда ютуқлар таъкидланади, йўл қўйилган айрим камчиликларни тугатиш йўллари белгиланади. Суратда: (чапдан ўнгга) — бош экономист А. В. Перемотина, бош бухгалтер М. У. Усмонов, бош инженер Т. О. Ортқков, фабрика директори Ш. А. Аҳмаджонов вазоотехник Л. Вальгина ўртоқлар навбатдаги иш режаларини муҳокама қилмоқдалар.

Ж. ТЎРАЕВ фотолари.

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ „ЎЗБЕКИСТОН" ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

ана шундай ҳаракатда бўлардн.

— Кузатган бўлсангиз биласиз, она товуқ маълум вақт ўтгандан кейин тухумни тумшуғи билан гоҳ ўёққа, гоҳ бу ёққа айлантириб туради. Бизда эса бу ишни машина бажаради, — тушунтирди директор.

Ҳақиқатан ҳам орадан кўп вақт ўтмай айрим тухумлар чатнай бошлади. Ўртасидан нотекис иккига бўлинган тухум орасидан жўжа кўринди. Ҳозиргина дум-думалоқ оппоқ бўлиб турган тухум ичида инсон кўзи олдида жўжанинг чиқиб келиши ҳақиқатан ҳам кишини жуда ҳайратлантирар экан. Бу цех коллективи тухум қўйгандан жўжа бўлиб чиққач, уларни 20 кун давомида авайлаб, меҳрларини қўйиб ўстирадилар. Ундан кейинги цехга узатадилар. Бу ерда жўжалар темир қанот чиқаргунча ўстирилади ва жўжалари ажратилиб товуқ-хоналарга юборилади.

Товуқхоналар ҳам замонавий типда қурилган ва асосий барча иш механизмлар ёрдамида бажарилади. Шу гапни айтиш кифояки, жўжа тухумдан чиққандан то тухумдан қолгунча қўл тегмайди. Инсон меҳнатини механизмлар бажаради. Илғарилари, ҳали механизация жуда ҳам тўла жорий этилмаган пайтларда битта товуқхонада 6000 ва ундан кўпроқ товуқ боқилар, кунига 3000 донадан тухум олинар эди. Катакдар қайтадан янгичасига жиҳозланганидан кейин битта товуқхонада 26 мингтадан товуқ боқилмоқда. Улар кунига 19—20 минг дона тухум беряпти.

Фабрикада майдонни кенгайтирмаган ҳолда эски цехларни реконструкция қилиш йўли билан ўз жойдан кўп маҳсулот олиш мақсад қилиб қўйилган. Шунинг учун ҳам фабрика коллективи беш йиллик охирига бориб паррандачилик маҳсулотини ҳозиргига нисбатан икки марта кўпайтириш тадбирларини кўрмоқда. Ўтган йили ҳар куни фабрикадан 80 минг дона тухум жўнатилар эди. Бу йил эса кунига 200 минг дона юборилмоқда. Бир йилда ана шундай катта ўсишга эришилган экан, бу шуни кўрсатадики, фабрикадаги барча товуқ боқарлар, мутахассислар, механизацияни бошқариб турган кишилар ўз зиммаларидаги вазифанинг нақадар улуғвор, масъулиятли эканлигини янада тўла ҳис қилмоқдалар. Товуқларни сервитамин озуқалар билан боқишга, уларни ҳамма вақт соғлом сақлашга, кундузги нур берадиган электр шўъласи билан яхши таъминлашга алоҳида эътибор қилаётирлар. Фабрика партия ташкилоти паррандабоқарлар ўртасида социалистик мусобақани пухта ташкил этган. Юқорида баён қилинганидек кишиларнинг моддий манфаатдорлиги, меҳнатига яраша даромад олиш яхши, йўлга қўйилганлиги юксалишнинг асосий сабабларидан бўлмоқда.

Фабрика цехларида битталаб,ўнталаб, юзталаб, мингталаб жамланиб тухум оқими пайдо бўлмоқда. Буни бунёдга келтираётган кишилар меҳнаткашлар ҳақида ўйлаб, кечаси ва кундузи тинимн билмай қурашмоқдалар. Пойтахт аҳолисини тухум, парранда гўшти билан таъминлаш бизга топширилган экан, бу шарафли вазифани муваффақиятли адо этиш учун бундан кейин ҳам астойдил меҳнат қиламиз демоқдалар.

1972 йилда 27 миллион 54 дона тухум етиштирилиб бу соҳадаги топшириқ 140 процент бажарилган эди. Бу йилги мажбурият 41 миллион дона. Бир йилда шундай катта ўсишга эришиш фабрика коллективидан шунга яраша меҳнат қилишни талаб этади.

— Бу топшириқни бажариш учун бизда барча имконият бор, дейди Шокиржон Аҳмаджонов. — Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси ана шу социалистик мажбурият муҳокама қилинаётганда барча имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ўз сўзимизнинг устидан чиқамиз деб қатъий қарор қилган.

ЯНГИ РЕЖАЛАР

1973 ИИЛ—беш йиллик нинг ҳал қилувчи йили деб ҳисобланганда бу коллективнинг аъзолари ҳам ана шу умумхалқ ҳаракатига қўшилган эдилар. Улар жанговар йил учун махсус режа тузиб ишни шу асосда олиб бормоқдалар. Топшириқларнинг бажарилиши цехлараро вақти-вақтида муҳокама қилиб турилади. Олдинги йил кунликда яхши натижаларга эришган коллективлар рағбатлантирилади, орқада қолганларнинг сабаблари текширилиб аниқланади. Зарур бўлганда барча ёрдам уларга ўз вақтида кўрсатилади ва илғорлар тенглашиб олиш учун кўмаклашилади. Шу сабабдан ҳар фабрикада ойлик, квартал топшириқлари беш ойлик планнинг муддатидан илгари ошириб адо этилди. Ўтган беш ой давомида 14 миллион 514 минг ўрнига 17 миллион 867 дона тухум етиштирилди. Бу соҳадаги топшириқ 123 процент адо этилди.

Товуқчилик фабрикасида сигирлардан ҳам кўп сут соғиб олинаётганлиги қувончли бир ҳолдир. Беш ой давомида ҳар бир сигирдан 1115 килограмм ўрнига 1292 килограммдан сут соғиб олинди. Давлатга гўшт етказиб бериш беш ойлик планнинг 217 процент бажарилди. Яъни 1194 ўрнига 3033 центнер гўшт сотилди. Беш ой давомида ҳар бир товуқдан 7 ўрнига 87 тадан тухум олинди.

Тошкент яқинидаги «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикаси меҳнаткашларга тухум парранда гўшти етказиб беришдан ташқари областимиз ва республикамиздаги бошқа областлар хўжаликларини жўжалар билан таъминлашда ҳам катта иш қилмоқда. Бу ерда жўнатилган жўжалар колхоз совхозларда яхши сақланиб кўп тухум бермоқда. Яъни фабрика коллективи паррандачиликни ривожлантиришда ўзининг олижаноб вазифасини шараф билан адо этаётир.

Бир йилда 41 миллион дона тухум, 650 тонна парранда гўшти етказиб беришга, жуда кўп жўжаларни хўжаликларга жўнатишга, чорвачиликни, саб завотчиликни ҳам ривожлантиришга аҳд қилган ва шу йилда фидокорона меҳнат қилиб бу соҳада янгидан-янги ютуқларга эришаётган коллектив аъзоларига улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажаришларида биз ҳам тилакдошмиз.

С. МАҲКАМОВ.
М. ҒОЗИЕВ.

ФАБРИКАДА жўжа очириш учун тухуми олинадиган товуқлар алоҳида цехларда парвариш қилинади. Бу цехда ишлайдиган кишилар сермаҳсул зотли товуқларни белгиланган рационда боқишга, уларни яхши парвариш қилишга алоҳида эътибор берадилар. Бу цехдан чиққан тухумлар сира нобуд қилинмай инкубаторияларга ўз вақтида жўнатилади. Суратда: цехнинг умумий кўриниши.

ЁШЛАРНИНГ КУЧИ — БИРЛИКДА

— Берлинда бўладиган ёшлар ва студентларнинг X Бутунжаҳон фестивалида 135 мамлакатдан йигирма минг киши қатнашади. Ўз кўлами ва салобати жиҳатидан бу фестиваль аввалги ҳамма фестиваллардан устунлик қилади, — деди СССР ёшлар ташкилотлари Комитетининг раиси **Геннадий ЯНАЕВ** АПН мухбири билан суҳбатда.

X фестивалнинг оммавийлиги ва аҳамиятини шундан ҳам билса бўладики, — деб сўзида давом этди у, — унда энг кўп журналист қатнашади. Илгари ҳеч қачон мухбир юбормаган мамлакатлар ҳам ўз журналистлари учун ўрин ажратишга заявка юбордилар.

— Бу йилги фестиваль аввалгиларидан яна қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?

— Илгариги фестивалларнинг бирортаси ҳам ҳозиргидек қулай вазиятда ўтмаган эди. Халқаро муносабатларда кескинликни юмшатиш ва ҳамкорлика томон интилиш тенденцияси аниқ кўзга ташланмоқда. Бу эса мустаҳкам, узоққа мўлжалланган тинчликка олиб келади. «Совуқ уриш»дан тинчлик муносабатларига, ўзаро ҳурматлаш, социал системаси турлича бўлган давлатлар ўртасидаги ҳамкорликка ўтилаётганлиги ёшлар ҳаракатида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Биз бундан бешолти йил бурун фестиваль ҳаракати байроғи остида бу қадар кенг составдаги кишилар тўпланишини тасаввур қила олмас эдик. Фестивалларда иштирок этиш ҳақидаги таклифларни илгари рад қилиб келган социал-демократлар, социалистлар ва христиан-демократлар фестиваль ҳаракатининг актив тарафдори бўлиб қолмоқдалар ҳамда миллий тайёргарлик комитетларига киримоқдалар. Турли сиёсий йўналишдаги ёшлар бўлажак фестивалнинг империализмга қарши шиорларини билганлари ҳолда тайёргарлик ишларида актив қатнашмоқдалар. Бу бизни қувонтиради.

Биз бўлажак фестиваль сиёсий жиҳатдан воқеаларга жуда бой бўлади, деб ўйламоқдамиз. Берлинда ҳозирги замон халқаро сиёсатининг ҳамма проблемаларини амалда муҳокама қилиш кўзда тутилмоқда. Мўлжалланаётган сиёсий тадбирлар сони 500 дан ортади. Бу фестивалнинг ўзига хос хусусияти яна шундаки, у программа доираси билан чекланиб қолмайди. Мен у «кўча» фестивали, байрам-фестиваль бўлади, деб айтгим келади. Ёшлар норасмий музокараларда, суҳбатларда, маданий ва спорт тадбирларида кенг қатнашдилар.

— Фестивалнинг ошкора душманлари ҳозир ҳам борми?

— Ҳа, бор. Бироқ ҳозирги шароитда фестиваль ҳаракатига қарши очиқдан-очиқ кураш олиб боришга уларнинг юраги дов бермайди. Хельсинкида бўлганга ўхшаш, бизнинг ашаддий душманларимиз эндиликда тобора камайиб бормоқда. Фестиваль ҳаракатининг душманлари «совуқ уруш қандақлари»ни ташлаб кетишга мажбур бўлмоқдалар.

— Берлиндаги учрашувдан бизнинг ёшларимизнинг умиди қандай?

— Биз шунга аминмизки, фестиваль империализмга қарши курашда ёшлар бирлигини мустаҳкамлайдиган муҳим тадбирдир. Бу йилги фестиваль ёшлар ҳаракати авж олиб бораётганлигини ёркин исботлаб бермоқда. Бу фестиваль ёшларнинг куррамизда «қайноқ нуқталар» бўлиши, ирқчилик ва бошқа хил зулмларга, йигит ва қизларнинг энг оддий ҳуқуқлари поймол этилишига муросасизлигини намойиш этади. Умид қиламизки, фестиваль «Ёшлар империализмни фош этади» деган бутунжаҳон кампаниясини ўтказиш йўлида муҳим босқич бўлиб қолади. Биз Вьетнам ҳамда Ҳинди-хитойдаги бошқа мамлакатларнинг халқлари ва ёшлари, араб ёшлари билан бирдамлик ва бошқа масалаларда ёшлар ҳаракатининг бундан кейинги ривожланиш йўлларини биргаликда белгилаб чиқиш имконига эга бўламиз. Фестиваль демократик ёшларнинг тинчликсевар кучларининг Жаҳон конгрессига тайёргарликка қўшган муҳим ҳиссаси бўлиб қолади.

— Мамлакатимизда фестивалга қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

— Жуда актив тайёргарлик кўрилмоқда. Бу тайёргарликнинг асосий формаси — совет ёшларининг Бутуниттифоқ фестивалидир. Фестиваль ҳар бир область ва ҳар бир республикада ўтмоқда. Якунловчи босқичи 12 июлдан 14 июлгача Москвада ўтади. Унда область, республика фестивалларининг голиблари қатнашадилар. Ҳозиргача «Ўз касбининг устаси» шиори остида меҳнат мусобақалари, бадиий ва спорт конкурслари ўтказилди. Ҳар бир турдаги мусобақанинг ўз обрўли жюриси бор. Бутуниттифоқ фестивалини ўтказиш бўйича тайёргарлик комитетига совет ёшларининг ҳурматли вакиллари ва кекса авлод кишилари: Нобель мукофотининг лауреати, академик Николай Басов, космонавтлар — Валентина Николаева-Терешкова ва Алексей Леонов, спортчилар — Василий Алексеев, Людмила Турищева ва бошқалар кирганлар.

— Сизнинг фикрингизча, Бутуниттифоқ фестивалига тайёргарлик давомида диққатга сазовор нималар бўлди?

— Масалан, мен Латвияда якунловчи қўшиқлар кўригида қатнашдим. Маҳорат даражаси, кўрикнинг ташкил этилиши, қатнашчиларнинг кўтаринкилик руҳи кишини ҳайратга солди. Ёки Москва студентларининг апрель фестивалини олайлик... Бирор томонни, ёркинроқ нарсани ажратиб кўрсатиш жуда қийин, негаки фестивалга бутун қалб бағишланади, ҳар бир тадбирда ўзининг ёқимли томони бўлади. Мен, масалан, фестивалларнинг энг оддий иштирокчиси сифатида жуда катта қониқиш ҳосил қилдим.

— X Бутунжаҳон фестивалига борадиган совет делегацияси составига кимлар киради?

— Барча республикалар, ўлкалар ва областларнинг вакиллари киритилади. Энг яхши ёш ишчилар, студентлар, колхозчилар, ижодий интеллигенция вакиллари фестиваль қатнашчилари бўладилар.

(АПН).

ХИМИЯ ЗАВОДЛАРИ УЧУН УПОКОВШИК АВТОМАТЛАР

Рўзғор химияси суюқ моллларини пакетлаш ва шиша идишларга солиш мамлакатда биринчи марта СССР Химия саноати министрлигига қарашли Тошкент ихтисослаштирилган тажриба-конструкторлик бюросида автоматлар зиммасига «топширилди». Бу ерда яратилган комплекс поток линияси 200 граммдан 1 литргача ҳажмдаги 3 мингтадан 6 мингтагача полиэтилен идишларни 1 соатда тўлдириб чиқаради. Автоматлар идишларнинг оғзини ёпади, ёрлиқ ёпиштиради, кутиларга тахлайди. Шу линия машина-ускуналари Олмалиқ рўзғор химияси заводида ишлаб чиқариш синовларидан муваффақиятли ўтиб, Симферополдаги турдош корхонага юборилди.

Қўл меҳнатига тамомила барҳам берадиган шу автомат упоковшик илмий-техникавий ҳамкорлик планига мувофиқ Чехословакия ёғ саноати институти билан биргаликда яратилди. Чехословакиялик мутахассислар полиэтилен идиш қолипдаб чиқарадиган серунум янги автомат ясаб беришади.

(ЎзТАГ).

ЭРТАГА СОВЕТ ЁШЛАРИ КУНИ

◆ Областимиз олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар ўртасида турли миллат вакиллари ни учратасиз. Улар аҳил онла аъзоридек бирга яшаб, бирга билим олмоқдалар. Суратда: Тошкентда ўқиётган ёшлардан бир группаси.
А. Авазов фотоси.

НАВҚИРОН АВЛОД БАЙРАМИ

Ёшлик! Киши умрининг баҳори бу. Бахтиёр совет йигит-қизларининг қувноқ ўсиши, ўқиши, меҳнат қилиши, дам олиши учун нимани керак бўлса, ҳаммаси муҳайё қилинмоқда. Чунки, ёшлар бизнинг келажагимиз, ифтихоримиздир.

Совет ёшларининг ажойиб анъаналари бор. Ёшлик кучғайрати билан қанчадан-қанча қурилишлар бунёд этилди, чўллар ўрнида боғ-бўстонлар барпо бўлди, янги шаҳар ва посёлкалар қад кўтарди.

Ҳар галдагидек бу йил ҳам совет ёшлари ўзларининг байрамларига катта тараддуд кўрдилар. Областимиз ёшларининг байрамга ҳозирлаган совғалари ҳам беҳисоб. «Ёшларнинг зарбдор меҳнати, маҳорати ва изланиши — беш йилликка!» Бутуниттифоқ кўригида областимиз ёшлари ҳам актив қатнашмоқдалар. Бу ҳаракатга қўшилган йигит-қизларнинг қўлга киритган ютуқлари оз деймисиз?

Мана бир мисол. Бекобод шаҳар комсомол ва ёшлари шу беш йилликда қатор ажойиб ишларга қўл урадилар. Буларнинг кўпи ҳозирда ўзининг яхши самарасини берди. Шаҳар комсомол ташкилотлари «Ёшларнинг зарбдор меҳнати, маҳорати ва изланиши—беш йилликка!» Бутуниттифоқ кўригида актив иштирок этиб, 15 нхтисослик бўйича 8 марта мусобақа ўтказдилар. Бу мусобақаларда мингдан ортиқ ёш ишчи ўз маҳоратини синаб кўрди.

Иш вақтидан унумли фойдаланиш бўйича ўтказилган область кўригида шаҳарнинг 42 та комсомол ташкилоти яхши натижаларга эришди. Областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳам ёшларнинг бу ажойиб ҳаракати давом этмоқда.

Областимиз ёшлари Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети VII пленуми қарорларини амалга ошириш борасида анчагина ишлар қилдилар. Юқори малакали мутахассислар тайёрлашда комсомол ташкилотлари ва группаларнинг роли ошди. Кўпгина студентлар «КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширамиз» Бутуниттифоқ Ленинча синовида қатнашиб, «Коммунизмни ўрганмоқ керак» шахсий комплекс планларини қабул қилдилар. «Ёшлик империализмни фош этади!» бутун жаҳон ҳаракатида студентларнинг иштирок этиши соҳасидаги ишлари кенгайтирилди.

Ёшлик бор жойда шодлик бор, дейдилар. Шу йилнинг баҳорида кончилар шаҳри Олмадикда ўтказилган область ёшларининг фестивали «Биз — ватанпарварларимиз, интернационалистлармиз!» деган темага бағишланди. Ёшлар бу фестивалида ўз маҳоратларини яна бир бор намойиш қилдилар.

Жаҳон ёшлари ва студентларининг навбатдаги фестивалига қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда областимиз ёшлари ҳам катта тараддудда лар. Областимиздан бир неча йигит-қиз ана шу ёшлик байрамида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Эртага Советлар диёри узра ёшлик, бахтиёрлик байрами тантаналари авжга минади.

ҲУШЁРЛИГИДАНДИР

Ватан ободлиги халқ, партиям ғамхўрлигидандир,
Меҳрибон бир-бирига ҳамнафас, ҳамкорлигидандир.
Демасдан бу қозоқ, бу рус ва ё тожик, озарбайжон,
Самимий дил била ҳам фикр, ҳам дўстёрлигидандир.
Ечилди илму ҳикматла табиат сирлари бир-бир,
Топилди хилма-хил конлар зафар, бахт ёрилғидандир.
Қаю бир соҳада боқманг билимдонлар ижодини,
Очиб космосга йўл бул аҳл фан илғорлигидандир.
Азимий бахтни деб билгил, йўлинг доим мунаввардир,
Бу мунавварлиғ, билсанг, халқ йўлини рўшнолигидандир.

Т. АЗИМИН.
Пенсионер, Янгийўл

ДЎСТЛАР

Дўстлар билан шодман,
Қалб уйим обод.
Дўст йўлида кўзим,
Еди умрбод.
Ошно, ўртоқ кўп, —
Дилбар ва доно.
Дўст лутфидан жонбахш
Лутф йўқдир, аммо.
Дўст менинг қалбимда,
Интиқлигимда.
Дўст эъзоз меҳримда,
Тантилигимда.
Менга катта бахт
Дўстни кўрмоқ шод.
Шу бахтдан дариғ
Тутма гул ҳаёт!

Мақсуд ХАЛИЛОВ.

КУНГАБОҚАР

Ҳовлидаги кунгабоқар
Пишганида ерга боқар.
Тўлиқ-бўлиқ ҳосилини,
Кўтаролмай терга ботар.
Тиргак тираб, сувлар тараб,
Ишлов берсам кулиб боқар.
Чидам билан қуёш сари
Интилиши менга ёқар.

Ш. НУРАЛИЕВ.

ДИЛДА БОРДИР АСЛИДА

Дўстлар, сўзласам ишқим, дилда бордир аслида,
Севганим қалб тўрида гулруҳсордир, аслида.
Кўрмасам бир зум уни тугар сабру-тоқатим,
Деманглиз: ошиқ кўнгли беқарордир аслида.
Назар солса чаманга очаркан ғунчалар юз,
Бу кунгил бўстонида навбаҳордир, аслида.
Севги ҳам ёр ишқини хониш этсам завқ билан,
Бегубор ҳиларимга жўр — дутордир, аслида.
Очилгай баҳри-дилим сайр этиб гул юз билан,
Илдиз, ёрсиз бу олам кўзга тордир, аслида.

И. ХАНИРОВ.

Спорт

СССР — БРАЗИЛИЯ

Совет Иттифоқи терма командасининг Бразилия футболчилари билан ўтган пайшанба кечки учрашуви бу икки мамлакат командалари ўртасидаги тўртинчи ўйин эди. Аввалги уч ўйиндан иккитасида чемпионларнинг кўли баланд келган (2:0 ва 3:0), «Маракана» стадионида бўлган бир ўйинда ва командошларимиз дурангга эришган эдилар (2:2).

Бу сафарги учрашувда совет футболчилари кучли рақибларига муносиб қаршилик кўрсатдилар. Майдонда деярли тенг кураш борди. Лекин бразилияликларнинг юксак техникаси ўз самарасини кўрсатмай қолмади. 67-минутда Мексика шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг мерган Жанрзиньо командамиз капитани Хурцилава билан яккама-якка олишувда устунлик қилиб, тўп киритди. Колотов, Блохин, Онишченколар меҳмонлар штраф майдонида кўз берган қулай имкониятлардан фойдаланиша олмади.

Командалар қуйидаги составда ўйнадилар: СССР — Пильгуй, Дзодзуашвили, Хурцилава, Ловчев, Капличний, Колотов, Мунтян, Васенин, Зинченко, Онишченко (Никонов), Блохин; БРАЗИЛИЯ — Венделл, Перейра, Мойзес, Зе Мария, Клодоальдо, Антонно, Вальдомиро, Ривелино, Жанрзиньо, Лейвинья, Цезар.

ЎРИНБОСАРЛАР ЎЙНАМОҚДА

Бугун «Политотдел» стадионида «Пахтакор» ва «Қайрат» командаларининг дублерлар составлари учрашади. Асосий составлар ўйини каби ўринбосарлар мусобақаси ҳам ишқибозларда қизиқиш тугдиради. Бу учрашувлардан кўпроқ команда раҳбарлари умидвор. Негаки, дублерлар составида муваффақиятли қатнашиб, ўзини кўрсатган ёшлардан кимларни асосий составга ўтказиш мўлжаллаб кўриладн. Ҳозир «Пахтакор»нинг дублерлари составида жуда кўп ёшлар ўйнамоқда. Уларнинг аксарияти «А» классида илк бор қатнашиши. Ўйинлар дублерларимизнинг ўз устларида кўп ишлаб, обдон тинчиқишлари кераклигини кўрсатмоқда. Ўринбосарлар бахсида улар мавсум бошидан буён 4 та ғалабани қўлга киритишди, 8 ўйинда мағлуб бўлишди ва 7 очко тўплашди. «Пахтакор»чилар «Шахтер» ва «Днепр» билан очколар сони бўйича бир хил кўрсаткичга эга бўлсалар ҳам, тўплар айирмасига кўра 15-ўринда турибдилар. Бугунги меҳмонларимиз эса 10 очко билан 7-ўринда боришмоқда. Турнирда 17 очко тўплаган Москва динамочилари билан 16 очко тўплаган ЦСКА дублерлари олдинда.

АФРОСИЁБ ТЕНГДОШИНИНГ ТАРИХИ САҲИФАЛАРИ

Ўзбекистоннинг археология харитасида очиқ қолган тағин бир жойнинг тарихини археологлар аниқлаб бердилар. Самарқандининг ўтмишдоши машҳур Афросиёбнинг тенгдоши — Ўрта Осиёдаги қадимий манзилгоҳлардан бири — Рабинжон (ёки Арбинжон) ҳаётининг соҳифалари ўқиб чиқилди.

Рабинжон шарқнинг улкан савдо йўли —катта Хуросон йўлида турарди. 1158 йилда Рабинжон шаҳрини Хоразм хони вайрон қилиб юборди. Археологлар Рабинжон қаерда жойлашганлигини узоқ вақт мобайнида аниқ белгилай олмай келдилар. Шаҳарнинг номига оҳангдош оромижонтепа тўғрисидаги ривоятлар халқ афсоналаридагина сақланиб қолган эди. Худди ана шу ривоятлар археологларга манзилгоҳнинг изларини қидириб топишда ёрдам берди. Бир неча йиллар мобайнида олиб борилган қазиш ишлари қадимий ёзма манбаларда қолдирилган сингари Рабинжон Самарқанд билан бир қаторда Суғдиёна давлати иқтисодий ва маданий ҳаётининг марказн бўлганлигини кўрсатди.

Археологлар кўз ўнгида мустаҳкам қалъа, унинг атрофидаги ғовлар ва кўтармалар намоён бўлди. Бу ғовларга келаверши баланд миноралар ёрдамида қўриқлаб турилган. Қалъа атрофида ҳунармандларнинг: кулолларнинг, мисгарларнинг, шарқда машҳур «Рабинжоний» газламасини яратган тўқувчиларнинг маҳаллалари жойлашган. Суғдиёна диёрида араблар босқинининг излари ҳам сақланиб қолган. Қалин ер қатламн остидан араблар томонидан бузиб юборилган кўҳна мудофаа иншоотларнинг излари қидириб топилди.

Олимлар ҳунармандларнинг кенг қароргоҳлари қолдиқларини, шаҳарни сув билан таъминлаб турган қадимий канал ўзани изларини қидириб топишди. Археологлар томонидан топилган ҳунармандларнинг уйлари қадимий усталарнинг юксак санъатидан далолат беради. Уйнинг деворлари ганчга ўйиб солинган каттакон суратлар билан безатилган. Олимлар бу ерда кутилмаган суратга дуч келиб қолишди—жамики жонли нарсаларнинг суратини олиш ислом динида тақиқланишига қарамасдан қадимий уста думини гажак қилиб турган балиқчаларнинг суратини солган. Бу сурат мусулмонлар давридаги монументал санъатда жонли мавжудот тасвирланган ягона суратдир.

Каттакон ҳунарманд уйи Рабинжон равнақ топганлигининг далилидир. Бу ердан топилган кумуш, олтин ва мис чақаларнинг хазинаси ҳам шундан далолат беради. Шаҳарга бойликлар оқиб келиб турган савдо йўли бир-бирларига ўзаро ҳамиша ғанимлик қилиб келган феодаллар учун ҳарбий сўқмоқ вазифасини ҳам ўтаган. Хоразмшоҳлар XII асрда ана шу йўлдан келишган. Рабинжон уруш олови ичида қолган. Шундан кейин бу шаҳар ҳаробаликдан қад кўтара олмаган. Ернинг чуқур қатламларида Рабинжонни батамом вайрон қилган кучли сел оқимининг излари ҳам қолган.

...Эндиликда археологлар қадимий шаҳар ўрнини бинокорларга бўшатиб бердилар. Қачонлардир бой шаҳар суроии эшитилиб турган ана шу жойда тез орада Нарпай каналининг суви оқа бошлайди. X аср рисолаларида араб сайёҳлари Нарпай канали тўғрисида нефтихор билан ёзган эдилар: «Соҳилида мунчалик кўп жойда деҳқончилик қилинадиган аҳоли зич яшайдиган, кўпдан кўп деҳқонлари, улуғвор қалъалари бор жой бутун Суғдиёнада топилмайди. Бу канал Суғдиёнанинг юрагидир» Зарафшон воҳасини суғоришнинг қадимий манбаи бўлган сув эндиликда Рабинжон орқали ўтиб, янги насос станцияси сари жўшиб боради. У ердан қарийб эллик метр баландликка кўтарилгач, бир маҳаллар қўриқ ер ҳисобланган беш минг гектар майдонга ҳаёт бахш этади.

С. ФЕНЮТИН,
(ЎзТАГ мухбири).

Жасур ака-укалар

Бозор билан Қамбар Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозида яшайди. Бу йил улар 7-ва 5-синфларни тугатишди. Қаникулни ҳар йили тоғ яйловларида, дадаси билан қўй отларида ўтказишади.

Бир куни Қамбар ўтов ёнида ухлаб ётганда ўт-ўланлар ичидан бир илон чиқиб аста ўрмалаб унинг ёнига келди. Кейин почасидан ўрмалаб белига етганда Қамбар чўчиб уйғонди. Лекин қимир этмади. Ўзини уйқуга солиб ётаверди. Қалтис ҳаракат қилинса, илон чақиб олиши мумкин эди.

Илон аста Қамбарнинг бўйнига ўрала бошлади. Шунда у шартта илоннинг бўйнидан ушлаб олиб, шиддат билан ерга урди. Бозор келганда илон ерда карахт бўлиб ётар эди.

Бозорнинг ҳаётида ҳам бошқа бир тасодиф юз берди. Бир куни кечга яқин Бозор қўйларни боқиб юрарди. Дадаси Маъруф ака қир ортидаги пастқамликда пичан ўраётган эди. Бир маҳал Бозор ҳарсанглар ортида иккита бўрининг келаётганини кўрди. Бола дарҳол отарни тўплаб, ўзи қўйлар ўртасига туриб олди. Таёғини бошн узра айлантириб, овозининг борича қичқириб, қўйларни айлана бўйлаб чоптира бошлади. Безовта бўлган қўйлар баланд овоз билан маърашар эди. Бўрилар буни кўриб бир лаҳза тўхтаб қолишди. Шовқинни эшитган Қамбар ўтов ёнидаги итларни бўшатиб юборди. Ёрдам ўз вақтида етиб келди.

Биз яқинда «Гулистон» колхозининг Қайрағочбулоқ ва Шохшохона яйловларида юрганимизда Бозорни учратиб қолдик. Шунда колхоз чорвадорлари бизга юқоридаги воқеаларни сўзлаб беришди. Чорвадорлар уни ботир бола, деб эркалатишар эди. Фотомухбир А. Абалян унинг суратини олди.

Б. ШОНАЗАРОВ.

„БИЗ СИЗНИ СЕВАМИЗ“

«СИЗНИНГ қадимий ва замонавий поэзиянгиз, Навоий, Ҳамза, Зулфия поэзияси — завқ-шавқ бахш этадиган донишманд поэзиядир. Сизнинг мусиқангиз гоят жарангдор ва ўзига хосдир. Сизнинг рақсларингиз жўшқинлиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Сизнинг амалий санъатингиз —ўзбек халқининг даҳоси билан яратилган жамики нарсалар, бугунги ўзбек усталари яратган жамики нарсалар бамисоли оҳанрабодек таъсир этиб, кишининг юрагини мафтун қилиб қўяди». Бу сўзлар Ўзбекистонда бир неча кун мобайнида меҳмон бўлиб турган Болгария театр арбоблари делегациясининг бошлиги профессор Гочо Гочевга мансуб сўзлардир. Қардош мамлакатнинг намояндалари Ўзбекистон театр санъати билан танишдилар, улар колхозларни, институтларни, республиканинг ўқув юртларини бориб кўришди.

Гочо Гочев ЎзТАГ мухбирига бундай деди: Мени Совет Иттифоқида Коммунистик партиянинг доно сиёсати, Коммунистик партия миллий санъатни ривожлантириш ва бойитиш масаласига қанчалик эътибор бераётганлиги қойил қолдирди.

Тошкентни дўстлик шаҳри дейишади. Биз бу ерда бўлганимизда интернационал биродарлик, халқлар дўстлиги нималигини ҳис этдик.

Биз Георгий Димитров номли мактабда бориб кўрдик. Болалар бизни кутиб олишди. Биз уларга боққанимизда ватанимизга бўлган улкан меҳр-муҳаббатни кўрдик.

Хасково округ драма театри директорининг ўринбосари, делегация аъзоси Димчо Димчев ана шу театр саҳнасида Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» пьесаси муваффақият билан қўйилаётганлиги тўғрисида гапириб берди. СССР халқ артисти Олим Хўжаев томонидан саҳнага қўйилган бу спектакль мана бир йилдан кўпроқ вақтдан буён саҳнамизда кўрсатилмоқда, деди болгариялик дўст. Биз шу вақт мобайнида «Бой или хизматчи» асарини 142 марта кўрсатган бўлсак, ҳар сафар зал томошабинларга лиқ тўла бўлди. Революционер шоир пьесасининг Болгарияда саҳнада қўйилиши Болгар-Совет бузилмас дўстлигининг ёрқин ифодасидир. Георгий Димитров бундай бузилмас дўстлик халқимга бамисоли қуёш билан ҳаводек зарур деб айтган эди.

Мен шунга аминманки, деди Димчо Димчев, Болгария саҳнасида «Бой или хизматчи»нинг қўйилиши билан бирга бошқа асарлар ҳам болгар томошабинларига кўрсатилажак, чунки совет санъати билан учрашиш биз учун катта қувончдир. Биз сизни севамиз.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

ИЛМУ ҲУНАР ҲАҚИДА

Машҳур гавҳарлардан аълодир ҳунар,
Ҳунарманд қўлида гавҳар турланар.
ФИРДАВСИЙ.

Сен ҳунарсиз киши билан дўст тутинма,
чунки ҳунарсиз киши на дўстнинг қадрига етади ва на душманни билади.

Ҳунардан яхшироқ ганж йўқ дунёда.
У. КАЙКОВУС.

Билим ўрган, билим бирлан
Берк эшиклар очилур сенга.
Низомий ГАНЖАВИЙ.

Мард ҳунардан гар олса баҳра,
Ёрдам этгай ҳунар ҳамиша.
Саъдий ШЕРОЗИЙ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

9.55 — Кўрсатувлар программаси. 10.10 — Янгиликлар. 10.15 — Болалар учун мультфильм. 10.20 — «Экран хандаси» (Ўзбек тилида).

11.00 дан — Москва кўрсатадн.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.00 — Кўрсатувлар программаси. Ўзбек тилида: 17.05 — «Бойчечак» программаси. 17.35 — «Ишбилармон нишилар». Бадиий фильм.

Рус тилида: 18.55 — «Ахборот» информацион программаси. 19.10 — «Буюк ва қудратли тил».

Ўзбек тилида: 19.40 — «Ахборот» информацион программаси. 19.55 — Халқ талантлари концерти (Такрорий кўрсатув).

21.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

22.00 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Диққат, старт!га», Спорт телевизион фестивали.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

10.00 — «Сичқон ҳақида эртак». Болалар учун кўғирчоқ фильм.

АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН

УҚУВ ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 10.30 — «Биологиядан 7-машғулот, 11.00 — Математикадан 10-машғулот, 12.00 — Физикадан 11-машғулот, 13.00 — Биологиядан 2-машғулот (рус тилида), 14.00 — «Объектива ҳаёт». Кинокўрсатув, 15.00 — «Киноэкран янгиликлари, Реклама (рус тилида).

17.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан— Душанба кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/VI да Риголетто.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Бахтли кема командири — «МОСКВА» (жуфт соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 2, кеч соат 6, 8 да).

Урнини топган киши — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз соат 3.30, кеч соат 7.30 минутда), «ЧАЙКА» (кундуз соат 4, кеч соат 9.45 минутда).

Олтин ўқ (эрталаб соат 10, 11.40), Сайқа (кундуз соат 1.30, 4, кеч соат 6.40, 9.20 минутда) — НАВОИЙ номли.

Ҳамма гапни айтмабсиз, Фер-ран — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун), ҲАМЗА номли (эрталаб соат 11, кундуз соат 1, 3 да).

Салом ва хайр — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН». (кундуз ва кечқурун).

Катта сайр — «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1, кеч соат 8 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 8 да).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Сангам — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Ромео ва Жульетта — «ДРУЖБА» (кундуз соат 12, 2.30, 5.15, кеч соат 8 да).

Қувгинлик — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1, 5, кеч соат 9 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Отам, онам, хизматкор ва мен — «РАКЕТА».

Жавоҳир қўл; Сеними, шошмайтур! — КИРОВ номли.

Бахтли кема командири — «ФЕСТИВАЛЬ».

Қонун қонунлигича қолади — «ХИВА».

УЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ МИНИСТРЛИГИНИНГ

Тошкент асфальт-бетон заводи 20—35 мм фракцияли шағални чекланмаган миқдорда

РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛАДИ

нархи 2 сўм 55 тийин.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Бектемир посёлкаси, Охунбобоев кўчаси, 36-«а» уй.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

№ ИНДЕКС 64697.
Р—02546 В. 1762.